



THE ROLE OF THE SENATE OF THE OLIY MAJLIS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN ENSURING THE SECURITY OF THE COUNTRY AND NATIONAL SECURITY

Sarvar Kholikov

independent researcher, PhD

ABOUT ARTICLE

Key words: parliamentary functions, legislative documents, ensuring security, foreign experience, defense, security, Senate, Oliy Majlis, representative functions of committees, constitutional and legal support for parliamentary activities.

Abstract: The article describes the activities and functions of the Senate of the Oliy Majlis, the analysis of legislative documents on this matter, issues related to security, opinions of leading scientific circles, control and analytical activities and other similar issues.

Received: 09.01.24

Accepted: 11.01.25

Published: 13.01.25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ МАМЛАКАТ МУДОФААСИ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Сарвар Холиқов

мустақил тадқиқотчи, PhD

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: парламент функциялари, конунчилик ҳужжатлари, хавфсизликни таъминлаш, хорижий тажриба, мудофаа, хавфсизлик, Сенат, Олий Мажлис, қўмиталар вакиллик функциялари, парламент фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.

Аннотация: Мақолада Олий Мажлис Сенатининг фаолияти, функциялари, бу борадаги конунчилик ҳужжатлари таҳлили ҳамда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, етакчи илмий доираларнинг фикрлари, назорат-таҳлил тадбирлари ва шу каби бошқа мақсадлари каби масалалар ёритилган.

РОЛЬ СЕНАТА ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБОРОНЫ СТРАНЫ И НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Сарвар Холиков

независимый исследователь, PhD

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: парламентские функции, законодательные документы, деятельность и функции Сената Олий

Аннотация: В статье описаны деятельность и функции Сената Олий

обеспечение безопасности, зарубежный опыт, оборона, безопасность, Сенат, Олий Мажлис, представительские функции комитетов, конституционно-правовое обеспечение парламентской деятельности. Мажлиса, анализ законодательных документов по этому поводу, вопросы, связанные с безопасностью, мнения ведущих научных кругов, контрольно-аналитическая деятельность и другие подобные вопросы.

Хорижий давлат ва миллий қонунчилик, шунингдек доктринал манбаларга кўра, парламентнинг юқори палатасининг асосий вазифаси сифатида бошқа давлат органлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ушбу муносабатларни мувофиқлаштириб бориш ҳисобланади. Айни шу каби норма Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунида ҳам акс этган. Парламент юқори палатасининг (Сенат) қуйи палатадан (Қонунчилик палатаси) асосий фарқи, унинг мамлакатнинг ҳудудий манфаатларини бир хил ва тенг равишда ифода этишлигидадир. Бунда ҳудудийлик ва аҳоли сони кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда Парламентнинг икки палатасига нисбатан қоидалар белгиланган. Шунга кўра, ваколатлар ҳам юқори ва қуйи палатанинг «биргаликдаги ваколатлар» ҳамда «мутлақ ваколатлар»га бўлинган. Буни биз Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни 8 ҳамда 9-моддаларида кўришимиз мумкин.

Қайд этиш лозимки, Асосий Қонуннинг XVIII бобида (91-104-моддалар) икки палатали Олий Мажлис фаолиятининг асосий конституциявий принциплари ва асослари ёритиб берилган. Мазкур бобда Қонунчилик палатасини ҳам, Сенатни ҳам шакллантириш ва улар фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари, биргаликдаги ҳамда мутлақ ваколатлари, палаталарнинг ишлаш шакли, қонунчилик жараёнидаги иштироки, депутатлар ва сенаторларнинг мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Умуман олганда, Конституцияда Сенатнинг ички ташкил этилиши ва фаолият юритишига тааллуқли барча муҳим масалаларни мустаҳкамлаб қўйилди. Кейинчалик бу масалалар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда парламент юқори палатасининг 2005 йил 6 майдаги 29–I-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти билан янада батафсил тарзда тартибга солинди.

Сенатнинг қўмиталари — юқори палатанинг доимий ишчи органлари бўлиб, парламентнинг асосий функцияларини, айниқса қонунчилик, вакиллик ва назорат функцияларини бажаришда алоҳида роль ўйнайди. Қонунчилик функцияси шундан иборатки, қўмиталарнинг ҳар бири Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунларни

бевосита кўриб чиқиш, олинган ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан хулосалар бериш, шунингдек Сенат қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан бевосита шуғулланади. Сенат кўмиталарининг фаолиятида муҳим вакиллик функцияларини, шунингдек назорат функцияларини ёки парламент назорати деб юритиладиган функцияларни амалга ошириш алоҳида ўрин тутди.

Палата кўмиталари кўмита раиси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзоларидан таркиб топади. Ҳар бир кўмита 10 нафар ва ундан ортиқ сенатордан иборат бўлади. Кўмиталар Сенатнинг бутун ваколат муддатига, яъни беш йилга сайланади. Юқори палатанинг кўмиталари шу палатанинг ўзига ҳисобдордир.

Кўмиталарнинг мажлислари палатанинг ялпи мажлислари оралиғидаги даврда ўтказилади. Мажлислар, агар уларда кўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Сенат кўмиталарининг мажлислари одатда очик ўтказилади, лекин айрим ҳолларда ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Кўмиталарнинг мажлисларида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этиши мумкин.

Ҳозирда Сенат кўмиталарида кўмита раислари (*бир вақтнинг ўзида доимий асосда ишловчи сенатор*), шунингдек кўмита аъзоси бўлган биттадан сенатор доимий асосда ишламоқда.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, кўмитанинг барча аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, Сенат кўмиталари томонидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш таомили ана шу принципдан келиб чиқиб, кўмита аъзоларининг кўпчилиги овоз беришини назарда тутди. Мабодо кўмиталардан бирининг мажлисида бошқа кўмиталарнинг аъзоси бўлган сенаторлар иштирок этаётган бўлса, улар мазкур кўмита ишида «маслаҳат овози» ҳуқуқига эга бўладилар. Сенат кўмитаси қабул қилган қарор ёзма равишда расмийлаштирилади ҳамда тегишли кўмита раиси томонидан ёки унинг йўқлигида кўмита раиси ўринбосари томонидан имзоланади. Давлат органларига юбориладиган қарорлар улар томонидан кўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари ва кўрилган чоралар ҳақида Сенат кўмитасига бир ойдан кечиктирмай хабар қилинади.

Қайд этиш лозимки, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси Қонунчилик палатасидан келиб тушган мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тегишли таклифларни Сенат Кенгашига киритишни амалга оширувчи Сенатнинг асосий тузилмасидир.

Шу билан биргаликда, юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатлари ва кўмита низомига мувофиқ бир қанча Мудофаа ва хавфсизлик масалалари

қўмитаси функцияларни амалга оширади. Шунингдек, тадқиқоқт ишини бажариш давомида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини вазирлик томонидан йилига икки маротаба Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига киритилиши ҳамда уларни дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитилишига доир ҳуқуқий механизмлари юзасидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Хусусан, Қонунчилик палатасидан келиб тушган мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид қонунларни давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар вакиллари, мутахассислар ва олимлардан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузган ҳолда дастлабки тарзда кўриб чиқади (*қонунларда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблиги таъминланганига алоҳида эътибор берган ҳолда*), улар бўйича хулоса тайёрлайди ва Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритиш билан боғлиқ таклифларни Сенат Кенгашига киритади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади, зарур ҳолларда Сенатнинг ялпи мажлисида муҳокама қилиниши шарт бўлган таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқади, Сенатнинг тегишли қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади, зарур ҳолларда таклиф ва мулоҳазаларни тайёрлайди, Сенатнинг тегишли қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш тўғрисидаги Сенат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни тузиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги Сенат қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги Сенат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш тўғрисидаги Сенат қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги Сенат қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда қўмитага Давлат хавфсизлик хизматининг ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан тақдим қилган ахборотларини кўриб чиқади ва таҳлил қилади.

Шунингдек, қўмита мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат, унинг Кенгаши қарорлари, давлат дастурларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари томонидан ижро этилишининг ҳолатини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади ҳамда мазкур соҳасидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга риоя этилаётганлиги, Сенат, унинг Кенгаши қарорлари ва қўмита қарорларини бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотини эшитади.

2015-2019 йилларда Сенат қўмиталари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда Давлат дастурларининг ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида 260 дан зиёд назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси мудофаа доктринаси ҳамда миллий манфаатларига, давлат ҳарбий ва мудофаа қурилиши асосларига мувофиқлигини ўрганиш ҳамда улар бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлашда иштирок этади, Шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик соҳасига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш ва киритиш юзасидан мунтазам таҳлиллар олиб боради, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганади ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқади.

Бундан ташқари, қўмита Сенатнинг ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли эътиборига етказиш мақсадида жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда тарғибот тадбирларини амалга оширади. Шунингдек, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бошқа долзарб масалалар бўйича тадбирлар (*конференция, давра суҳбати, семинарлар*) ўтказади. Қўмита фаолиятига доир масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Қайд этиш лозимки, қўмитанинг асосий вазифаси мудофаа ва хавфсизлик йўналишида, мазкур соҳадаги давлат дастурларининг ижроси, мамлакатнинг ички ҳамда

ташки хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, ҳарбий қурилиш ва мудофаа саноати мажмуаси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш эканлигини ҳисобга олиб кўмита аъзолигига асосан мудофаа ва хавфсизлик фаолият кўрсатиб, муайян тажрибага эга бўлган шахслардан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, кўмитада фақат 3 нафаргина сенаторнинг доимий асосда ишлаши, шундан ҳам улардан 1 нафари Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси эканлиги, кўмита аъзолари ўз вазифа ва функцияларини тўлиқ ва самарали адо этишларига салбий таъсир этмоқда. Бу дегани, бир сенаторнинг турли соҳаларга жалб қилиниши, уни ўзининг асосий вазифаси бўлган хавфсизлик ва мудофаа масалаларига алоҳида эътибор қаратишларига кам вақт қолишини аңлатади, бу ўз навбатида иш самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, жаҳон парламент амалиётида «сенаторларнинг ёрдамчилари институти»нинг роли жуда муҳимлигини ҳисобга олиб, ушбу масалани миллий қонунчилигимизга жорий этиш жуда яхши тажриба бўлиб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, сенаторларни кўллаб-қувватлашни тўлалигича таъминлайди ва умуман парламент самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратади. Бу эса ўз навбатида, Сенат кўмиталари фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Таъкидлаш керакки, муайян бир ташкилотнинг самарали фаолият юритиши, унда жам бўлган малакали мутахассислар сонига ҳам боғлиқдир. Парламентаризм ривожланган аксарият давлатларда парламент хизмати (администрация, бюро, котибият, канцелярия ва ҳ.к.) штат бирликлари сони нисбатан анча кўп. Масалан, АҚШ Конгресси (435 та депутат, 100 та сенатор) хизматида 11 000 нафар, Туркия Буюк Миллат Мажлиси (600 та депутат) Бюросида 5 000 нафар, Буюк Британия парламенти Жамоалар палатаси (650 та депутат) хизматида 2 500 нафар, Россия Федерацияси Давлат думаси (450 та депутат) Администрациясида 1 482 нафар, Австрия парламенти (245 та депутат) Администрациясида 400 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатади. Бугунги кунда Сенат девони 99, Қонунчилик палатаси девони эса 95 штат бирликларидан иборат. Бу дегани Қонунчилик палатасида ҳар бир депутатга тўғри келадиган девон ходими сони 0,63 тага тенг, Сенатда эса – 0,99 тага. Яъни, АҚШ парламентининг ёрдамчи органи ходимлари сони бизнинг парламентимизникидан 116 баравар, Туркия парламентида – 53 баравар, Буюк Британия парламенти қуйи палатасида – 27 баравар, Россия Давлат Думасида – 16 баравар, Австрия парламентида – 4 баравар кўп.

Таъкидлаш лозимки, 2020 йил давомида Сенатнинг 10 та ялпи мажлиси ўтказилиб, уларда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига доир 170 дан ортиқ масалалар, хусусан 71 та қонун (31 та янги, 40 та амалдаги қонунларга тегишли ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш) кўриб чиқилди. Шундан, 65 таси қонун маъқулланди, 6 таси эса рад этилди. Қабул қилинган қонунлардан муҳофаа ва хавфсизлик масалаларига тааллуқлиси – 12 фоизни ташкил қилади. Фикримизга кўра, ушбу статистик кўрсаткичлар жуда ҳам кам ҳисобланиб, Парламентнинг юқори ва қуйи палатаси тегишли қўмитаси аъзоларининг соҳага оид билим ва кўникмага эга эмаслиги исботидир. Натижада икки палатанинг тегишли қўмитаси аъзолари давлат бошқаруви органларидан келиб тушган қонун лойиҳаларинигина муҳокама қилиш билан боғлиқ ҳаракат билан чекланиб қолмоқда. Ушбу ҳолат шунингдек, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари (депутатлар) томонидан норма ижодкорлиги бўйича ташаббускорлик мавжуд эмаслигидан дарак беради. Шу ўринда, Олий Мажлис Сенати аъзолари (доимий асосда ишловчи сенаторлар)га ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини берилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Олий Мажлис Сенати Муҳофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш, мазкур қўмилада фаолият кўрсатаётган сенаторларнинг профессионализм хусусиятларини янада ривожлантириш ҳамда сенаторлар томонидан парламентнинг вакиллик, қонунчилик ва назорат функцияларини самарали амалга оширилишини таъминлаш ўз-ўзидан муҳофаа ва хавфсизлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг сифатли қабул қилинишига таъсир этиб, уларнинг кўп йиллар давомида ҳалқимиз манфаатлари учун хизмат қилишини таъминлайди.

Сенатнинг фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни билан тартибга солинади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Сенатнинг мақоми, ваколатлари ҳамда уни шакллантириш тартибини белгилаб берди, шунингдек Ўзбекистон парламентининг юқори палатасини ҳудудий вакиллик палатаси деб эълон қилди.

Умуман олганда, Конституцияда Сенатнинг ички ташкил этилиши ва фаолият юритишига тааллуқли барча муҳим масалаларни мустаҳкамлаб қўйилди. Кейинчалик бу масалалар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни[1], «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[2] ҳамда парламент юқори палатасининг 2005 йил 6 майдаги 29–I-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти[3] билан янада батафсил тарзда тартибга солинди. Эътиборли жиҳати шуки, юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Сенатнинг қуйидаги асосий функциялари мавжуд:

- вакиллик функцияси;

- қонунчилик функцияси;
- назорат функцияси.

Юқорида айтиб ўтилган қонунлар «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархияси» бўйича қуйроқ поғонада турувчи ва бирмунча камроқ юридик кучга эга бўлган кейинги ҳуқуқий ҳужжатларни, чунончи, палата қарорлари, шунингдек низомлар ва бошқа қонуности ҳужжатларини қабул қилиш учун асос бўлди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Сенат аъзолари тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида 2004 йил 2 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги[4], «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги[5] қонунлар қабул қилинди. Ана шу қонунларда сенаторлар ўз вазифаларини тўлиқ ҳажмда адо этишлари учун уларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда ваколатлари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Сенатнинг қўмиталари – юқори палатанинг доимий ишчи органлари бўлиб, парламентнинг асосий функцияларини, айниқса қонунчилик, вакиллик ва назорат функцияларини бажаришда алоҳида роль ўйнайди. Қонунчилик функцияси шундан иборатки, қўмиталарнинг ҳар бири Қонунчилик палатасидан келиб тушган қонунларни бевосита кўриб чиқиш, олинган ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан хулосалар бериш, шунингдек Сенат қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан бевосита шуғулланади. Сенат қўмиталарининг фаолиятида муҳим вакиллик функцияларини, шунингдек назорат функцияларини ёки парламент назорати деб юритиладиган функцияларни амалга ошириш алоҳида ўрин тутди.

Сенатнинг қўмиталарига қонун билан қуйидаги ваколатлар берилган:

- 1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;
- 2) Ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- 3) Қонунни ялпи мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;
- 5) Давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) Киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади[6].

Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатида шакллантирилиши умуммиллий ва минтақавий манфаатларни уйғунлаштирадиган, қонунчилик жараёнини такомиллаштирадиган, марказнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини чуқурлаштирадиган, давлат бошқаруви тизимини марказлашувдан янада холи қиладиган ғоят муҳим омил бўлди. Шунини айтиш керакки, биринчи чақириқ икки палатали парламент ишлаган даврда қарор топган тартибга мувофиқ Сенат аъзоларининг тахминан 80–84 фоизи ўзининг профессионал фаолиятини минтақаларда амалга оширди[7].

Шу билан биргаликда, парламент функциялари ҳақида тўхталиб, айрим олимлар у ёки бу функцияни асосий ва устувор сифатида кўрсатишларини қайд этиш лозим. Жумладан, Б.Страшун эса қонунчилик функциясини асосий деб таъкидлайди[8]. Айни бир вақтда, АҚШлик олим Н.Ж.Орнстейн вакилликни биринчи ўринга қўяди[9]. Мазкур соҳа бўйича миллий мутахассис Р.Р.Ҳакимовнинг фикрича, парламентнинг у ёки бу функциясини бошқасига нисбатан устувор дейиш унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, ҳар бир алоҳида олинган функция ўзининг мазмуни ва аҳамиятига эгадир. Парламент тўлақонли ва том маънодаги давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлиб ҳисобланиши учун унда вакиллик, қонунчилик ва назорат функциялари, албатта, бўлиши даркор[10].

Юқоридаги фикрларни маъқуллаган тарзда, барча функциялар тенг аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ бош ўринда парламентнинг қонунчилик бўйича ваколатини бирламчи аҳамиятга эга бўлиши муҳимлигини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ҳам юридик назария ва амалиётда парламент назорат ёки вакиллик органи эмас, балки «қонунчилик органи» деган атама ва тегишли тушунча билан характерланади.

Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, Сенатнинг вакиллик функцияси қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, Сенат халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари орқали ҳудудий манфаатларини ифода этади;

иккинчидан, Қонунчилик палатаси тақдим этган бирон-бир қонун лойиҳаларини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик орқали ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун қабул қилиш жараёнини амалга оширади.

Бундан ташқари, Сенат умумдават манфаатларини ҳудудий манфаатлар билан уйғунлаштирувчи орган сифатида фаолият кўрсатади ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш баробарида, мазкур органлар томонидан ҳудудлар учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда жойлардан сайланган сенаторлар орқали амалий ва услубий кўмак кўрсатади.

Хусусан, мазкур йўналишлардаги ишларни амалга ошириш мақсадида Сенат Кенгашининг 2010 йил 31 мартдаги 30–II-сон Қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси фаолиятини мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу Сенат комиссияси ўз фаолиятини Сенат Кенгашининг 2010 йил 31 мартдаги 30–II-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси тўғрисида»ги Низом асосида олиб бормоқда. Ушбу Низом билан Сенат комиссияси ваколатлари, унинг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди[11].

Сенатнинг бу тарзда шакллантирилиши ҳамда фаолият кўрсатиши давлат ҳокимиятининг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга мамлакатнинг барча ҳудудларидаги вазиятни билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг, хусусан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Юқоридаги парламент ҳар икки палатасининг махсус кўмиталари фаолияти билан танишган ҳолда қуйидаги масалаларни ўртага ташлаш зарур:

Биринчи, хавфсизлик парламент назорати жараёнини мураккаблаштирадиган ўзига хос хусусиятларга эга, масалан: чалкашлик, сиёсийлашув, махфийлик ва юқори даражадаги коррупция. Бинобарин, мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялар бутун соҳани ривожлантиришда муҳим ўрин тутати.

Иккинчи, кўмиталарга аъзолик депутат ваколатининг бутун даврини қамраб олиши керак, чунки бу тажриба тўплаш имконини беради. Тажриба етишмаслигининг ўрнини қоплаш учун мудофаа кўмиталари доимий равишда ўз ходимларини ўқитишлари ва уларга ғамхўрлик қилишлари керак, бу эса фуқаролик ва ҳарбий экспертлар ўртасида мувозанатли бўлиши керак. Булар юридик маълумотга эга бўлган шахслар, сиёсатшунослар, шунингдек,

куролли кучлар ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан захирага ўтказилган собиқ ҳарбийлар бўлиши мумкин.

Учинчи, разведка маълумотларини самарали назорат қилиш учун махсус кўмита ташкил этилиши керак. Унинг барча аъзолари махфий маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Назорат фаолиятида кўмиталар ўз мажлисларини ўтказиш вақтини ва муҳокама учун таклиф этилаётган мавзунини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Тўртинчи, парламент нафақат ҳукумат таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш, балки бюджет йўналишлари ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бундай ваколатлар бюджет таклифларини депутатлар учун катта қизиқиш билан кўриб чиқиш, шунингдек, унинг ижроси устидан янада хушёр назоратни рағбатлантириш имконини беради.

Бешинчи, давлат харажатлари устидан парламент назоратини кучайтириш учун Ҳисоб палатаси ихтисослаштирилган миллий аудит тузилмаси давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Олтинчи, фуқаролар билан очиқлик ва муносабатларни мустаҳкамлаш зарур. Парламент очиқ ва шаффоф ҳокимият институти бўлиши керак. Инсонлар ўз вакилларининг ўз манфаатларига дахлдор асосий масалалар бўйича қандай овоз берганини билишдан манфаатдордир. Овоз бериш натижалари ва мунозараларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши парламент ҳисобдорлигининг моҳиятини ифодалайди.

Телевидение ёки радио орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилиши жамоатчиликнинг қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти ва унинг депутатларининг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари кўпинча парламентга эмас, балки ҳукумат фаолиятига эътибор қаратади. Шунинг учун парламентарийлар матбуотни парламент деворларига жалб қилишлари керак.

Еттинчи, барча қонун лойиҳалари парламентга тақдим этилиши биланоқ ёки ундан олдинроқ эълон қилиниши керак.

Саккизинчи, парламент аъзоларининг муносабати ва имкониятлари уларнинг парламентдаги фаолияти доирасида ахборотга сезиларли таъсир кўрсатади. Депутатлар самарали қонун ижодкорлиги фаолиятини назорат қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш мақсадида ижро этувчи ҳокимият органларидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Бироқ, мудофаа ва хавфсизлик масалаларида ахборотга кириш бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, мудофаа масалаларини чуқур биладиган парламентарийлар кам. Иккинчидан, ушбу сектор муҳим маълумотлар оқимини чеклашга қаратилган юқори даражадаги махфийлик билан тавсифланади. Аммо буларнинг барчасига қарамай, махфийлик ва жамоатчилик назоратининг йўқлиги

ўртасидаги фаркни тушуниш керак. Кўпгина мамлакатлар ихтисослашган қўмиталар билан махфий маълумотлар алмашинуви тартибларини белгилашга қаратилган тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш орқали ушбу дилеммани ҳал қилишга уриниб кўрди.

Хулоса қилиб айтганда, парламент аъзоларига махфий маълумотлардан фойдаланишни таъминлашнинг иккита асосий усули мавжуд. Баъзи мамлакатларда парламент мандати махфий маълумотларга ҳеч қандай текширувсиз кириш ҳуқуқини беради деб тахмин қилинади (масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Польша, Чехия, Эстония, Болгария, Руминия, Украина ва Туркия). Тўғри, баъзи ҳолларда каденция (тайинланган ёки сайланган муддат) бошланишида ёки мудофаа, хавфсизлик ёки разведка қўмитасига депутат сайланганидан кейин давлат сирларини ошкор этмаслик тўғрисида қасамёд қилиш кўзда тутилган[12].

Бошқа мамлакатларда қўмита аъзолари махфий маълумотларга фақат хавфсизлик хизматидан рухсат олгандан кейингина киришлари мумкин (Норвегия, Сербия, Македония ва Латвия). Қабул қилиш депутатларга давлат органлари томонидан текширилгандан сўнг берилади. Бундай расмий тартибларнинг муваффақиятли яқунланиши қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ишончни мустаҳкамлайди, мулоқотни яхшилади ва депутатларга мансабдор шахслар билан мулоқот қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2015 й., 52-сон, 645-модда.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 645-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29–I-сонли Қарори билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., 5-сон, 161-модда.
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 645-модда.
5. “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 510-модда.

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2015 й., 52-сон, 645-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2010–2014 йиллар. Тузувчи: Расулов Қ.Т. Таҳрир ҳайъати аъзолари: Собиров И.М. ва бошқалар. Т.: “MEGA”, 2011. 54 б.
8. Конституционное (государственное право) зарубежных стран: в 4 т. - Тома 1-2 // Отв. ред. проф. Б.А.Страшун. - М., 1999. – С. 447.
9. Norman J. Ornstein. The role of the Legislature in Western Democracies // <http://usinfo.state.gov/products/pubs/archive/freedom/freedom3.htm>
10. Ҳакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. Юрид. фанлар номз..... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 32.
11. Ким Ф.В., Ҳасанов Б.Ғ. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар (амалий қўлланма). Т.: “BAKTRIA PRESS” МЧЖ нашриёт уйи”, 2012. Б. 79–82.
12. Фуйор Т. Полномочия парламента и управление сектором безопасности //Серия парламентарных программ. – 2014. – Т. 1. – С. 12-13.